

# Oila va jamiyat

Gazeta 1991-yil 1-sentabrda chiqqan boshlagan



## YUKSAK cho'qqilarni zabt etib...

**А**льпинистлар тоғ туризмининг асосий ишқибозларидан ҳисобланади. Улар табиатнинг турли тўсиқларини бардош билан енгиб, мукофотига улкан тоғ чўққисини зabt этиш наҳидасини татиб кўради. Тоғма-тоғ, чўққима-чўққи, қояма-

қоя юришни ўзига мақсад қилган қаҳрамонларимиз бир-бирларини ана шундай бахт чўққиларида топган. Улар мана бир неча йилдирки, мангу музликларда, баланд чўққиларда ширин жонларини хавф-хатарга қўйиб, орқаларида оғир сафар халталарини уззукун кўтариб юришади. »4



## So'nggi qo'ng'iroqni kutayotgan qizlar

Aslida nikoh kechasiga tayyorlanmoqda. Nega?

“ Бутун коллежда шов-шув, Шаҳноза турмушга чиқибди! – Бармоғига қарадингми, никоҳ узуги борми? – сўрайди синфдошлари.  
– Бирор сабаб бўлмаса ўқишни тугатмай туриб, турмушга чиқмасди, – дейди гап талаб дугоналар бир-бирига маъноли боқиб.  
– Балки... Йўғ-э, жа унчаликка бормагандир... »5 ”

## To'ylarimizda milliylik qoldimi?

Ҳа, тўй қилишни, тўйга алоҳида тайёргарлик билан боришни яхши кўрадиган халқмиз. Қанийди, шу иштиёқимиз илм-фан ва касб-хунар ўрганишда ҳам кўзга ташланса эди... Бугун ўз ҳуқуқини билмаганлиги учун нафақат хорижда, балки юртимизда ҳам сарсон бўлиб юрган юртдошларимиз ҳақида бунчалик кўп қайғурмаган бўлармик... Гап шундаки, 2020 йил 1 январдан Олий Мажлис Сенатининг “Тўй-ҳашамлар,

оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори кучга кирди. Умид қиламизки, эндиликда ўтказилаётган барча тўй ва маросимларда катта ўзгаришлар рўй беради. Ва бу ўзгаришларни амалга оширишда ҳар биримиз фаол иштирок этишимиз мақсадга мувофиқдир. »8



## TASHABBUS QO'LLAB-QUVVATLANDI

**М**амлакатимизда кучли ижтимоий ҳимоя тизими мавжуд. Ногиронлиги бор инсонларга, мураккаб вазиятларга тушиб қолганларга, эҳтиёжмандларга алоҳида ёндашув, уларга ўмак беришнинг турли усуллари қўлланилмоқда.

Бироқ, давлат нақадар кучли ижтимоий ҳимоя тизимини яратмасин, бу жараёни жамоат ташкилотларининг, ташаббускор фуқароларнинг инсонпарвар хайрия лойиҳаларисиз мукамал деб бўлмайди.

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси йирик бир жамоат ташкилоти сифатида пойтахтимиздаги 100-сонли таянч-ҳаракати нуқталарида нуқсон бўлган болалар учун ихтисослаштирилган



мактаб-интернатга мунтазамлик касб этган ҳомийлик муруват ёрдамларини ташкил этиш ташаббуси билан чиққан эди.

Ушбу эзгу ташаббус Сув ҳўжалиги вазири Шавкат Ҳамраевнинг рафиқаси Олима хоним Ҳамраева ҳамда Қишлоқ ҳўжалиги вазири Жамшид Ходжаевнинг рафиқаси Ширин хоним Ходжаева томонидан қўллаб-қувватланди ва эндиликда ҳар ойда бир маротаба ушбу мактаб-интернатдан хабар

олиш, мунтазам ҳамкорлик қилиш йўлга қўйилди.

Ҳар иккала вакиламит жорий йил 24-25 декабрь кунлари 100-сонли мактаб-интернатда бўлиб, ҳомийлик ёрдамларини етказдилар ва болажонларимизга байрам совғаларини улашдилар.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳар иккала хонимларга ва уларнинг оилаларига чин дилдан ташаккур изҳор этади.



Яқинда ижтимоий тармоқларда тарқаган қайнонанинг келинини дўппослаётгани видеоси бўйича Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Самарқанд вилоятига тегишли тартибда сўров жўнатгани ва ўрганишлар олиб борилаётгани ҳақида маълумот берилган эди.

Самарқанд вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси расиси Г.Алимова бошчилигидаги Экспертлар гуруҳи томонидан ушбу оила топилди. Воқеа иштирокчилари И.Негматов, унинг турмуш ўртоғи З.Жалолова ва онаси Г.Мухторовалар билан суҳбат ўтказилди.

Суҳбат давомида Келин З.Жалолова

## YORDAM BERMOQCHI EDIK...

ўша пайтда арзимаган сабабдан эр-хотин ўртасида жанжал чиққанини, қайнонаси уни тинчлантирганини, қайнонасига ҳеч қандай даъвои йўқлигини, аини кунларда турмуш ўртоғи ва икки нафар фарзанди билан тинч-тотувликда яшаётганлигини айтиб ўтди.

Унинг турмуш ўртоғи И.Негматов ушбу лавҳадаги жараён бундан 8 ой олдин содир бўлгани, эр ва хотин ора-ларида жанжал кўтарилгани ва ҳолатни ўзи видеога олиб, ҳозирда Туркияда ишлаётган қайнонасига юборганини, қилган ишидан пушаймонлигини маълум қилди.

Қайнона Г.Мухторова эса келинини урмаганини, аксинча, уни тинчлантиришга ҳаракат қилганини билдирди.

Ушбу оила аъзоларига зўравонликнинг ҳар қандай кўринишини содир этган шахсга жазо муқаррарлиги, айниқса, болалар руҳиятига салбий таъсир ўтказиш қонуний чора кўришга асос бўлиши мумкинлиги ўқтирилди.

Энг ачинарлиси, бу ҳолатда зўравонлик белгилари кўриниб тургани, келин ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб этиши зарурлиги, бу борада келинини ҳимоялашга масъул ташкилотлар тайёрлиги билдирилганида, яна ўша жавоб олинди:

"Қайнонам ургани йўқ, тинчлантирди. Биз яхши яшаймиз." Ва у тинч-тотув яшаётганини билдирги тарзда ёзиб ҳам берди.

## Қадрли юртдошлар,

Давлат ва жамоат ташкилотлари инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга қанча ҳаракат қилмасин, лекин фуқаро ўз ҳуқуқи учун ўзи курашмаган, ҳуқуқий саводини оширмаган жойда керакли натижага эришиб бўлмастлигини англаб етишимиз керак!

Хулоса шуки, аёллар ҳуқуқ ва мажбуриятларини чуқур билса, ўз қадрини билди ва уни бошқалар ҳам қадрлайди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Матбуот хизмати

## INSON QADRI — ULUG', XOTIRASI — MUQADDAS



**К**уни кеча пойтахтимиздаги Ички Ишлар Бошқармаси Академиясининг маънавият залида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг 83 йиллик таваллуд кунига бағишланган "Инсон қадри — улуг', хотираси — муқаддас" деб номланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Кечада шоир ва ёзувчилар, ИИБ Академиясида таҳсил олаётган курсантлар, ўқитувчилар, раҳбарият ходимлари иштирок этди.

Бадий-маърифий кечани очиб берган полковник Ўқтам Муҳаммедов севимли ва ардоқли шоир, сўз мулкининг соҳиби, ўзбек адабиётида ўзининг бетакрор



шеърини билан ўчмас из қолдирган Эркин Воҳидовнинг ижоди, гўзал ва бетакрор шеърини ҳақида сўз олиб борди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, таниқли шоир Шукур Қурбон эса буюк шоир билан ҳамнафас ва ҳамфикр бўлган онларини хотирлаб, у билан кечган қизиқ воқеликларни, шоирнинг инсонийлиги, ижодий илқ муносабатлари, миллатга, она Ватанга нисбатан шеърини кўчирган чуқур меҳр-муҳаббати ва садоқати, фидойилиги ҳақида ҳикоя қилди.

Кеча ниҳоясида Академия жамоаси ташриф буюрган меҳмонларга таниқли ёзувчи ва шоирларнинг "Шарқ" нашриётида чоп этилган сайланма китобларидан тақдим этилди.

Марям АҲМЕДОВА.  
oilavajamiyat@mail.ru

# MARDLAR NOMI O'CHMAYDI



**Ikkinchi jahon urushi qatnashchisi, 2020 йил 15 январда 102 ёшни qarshilayotgan Xorazm viloyati Xiva tumani So'et qishlog'ida istiqomat qiluvchi Samandar ota Xudayberganov sharafiga bitilgan**

Хотира хиёбони ҳар галгидай гавжум. У ерга жамулжам бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари барчанинг диққат-эътиборида. Кимлардир бу қаҳрамон жангчиларимизга кўрсатилаётган эҳтиром сабабми ёки Ватан химояси йўлида ўз жонини тиккан мард ўғлон сифатида қалбларида гурур-ифтихор туғёнлари жўш ураётган қалб эгалари бўлганликлари учунми, уларга ҳавас билан боқишарди. Яна кимлардир урушнинг аёвсиз қиргинларини кўрган бу мунгли кўзлар не-не машаққатларга, мусибатларга гувоҳ бўлмади, дейсиз, дея ҳасрат билан термулишарди, назаримда. Уларнинг чеҳраларидаги чандиқ излари, елкалари остидаги қўлтиқтаёқлари нималардан-дир сўз очаётгандек туюларди, чамамда.

Шу он эътиборим ногирон-

лар аравасида ўтирган, ҳадеб кўз ёшларини артаётган бир отахонга тушди. Олдинига ёнларига боришга юрагим бетламади. Лекин қандайдир куч мени отахон сари тортқиларди гўё.

Бошлари, кўллари қимирлашдан тўхтамасди отахоннинг. Бир кўли аравача тутқичида, яна бир кўлида даструмпол.

– Ассалому алейкум, отахон.

– Уларга қўл чўздим. Анча вақтгача менга термулиб турдилар. Сўнг лаблари титраганча: – Ва алейкум ассалом, болам, – дедилар аранг.

Ушбу дақиқаларда отахон билан бироз суҳбатлашгим, дарду ҳасратларини бўлишгим келди.

– Шу тобда сизнинг хаёлингиздан нималар кечяпти? – дея сўрадим отахондан. Аввало, улар бир хўрсиниб кўйдилар. Анча вақт жим қолдилар. Бироздан сўнг тилга кириб, дилини ҳали ҳамон ўртаб келаётган мудҳиш хотираларидан сўз очдилар.

– Эҳ, бу уруш бошимизга қандай мусибатларни солмади, болам. Мен урушга қишлоғимдан, ўз уйимдан жўнамаганман. Уруш бошланган вақтлар мен армияда хизмат бурчимни ўтаётганимнинг иккинчи йили яримлаб қолган дамлар эди. Бизни шу ердан тўғри фронтга сафарбар этдилар. Бир муддат Кримнинг Феодосия шаҳрида ҳарбий тайёргарликни ўтагандан сўнг фронтга жўнаганмиз.

Жанг борган сари кучаярди. Тўс-тўполон, чанг-тўзон ҳаммаёқни тутиб кетган. Яқин 5-10 метр масофадан ҳам биров-бировни англаши мушкуллашиб қолганди. Тўхтовсиз ёғилаётган замбарак ва милтиқ, бот-бот улоқтирилаётган минамётлар овози кучайгандан кучаярди. Бир неча кундан бери тўхтовсиз жанг қилаётган аскарларнинг тинка мадори

қуриган, устига устак очлик, сувсизлик барчани ҳолдан тойдирганди. Бир козоқдўстим бўларди. Биз у билан бир неча ойдан бери қуrolдош эдик. Анча кўнгли очик, хушчақчақ йигит бўлиб,

исми Тўлибой эди. У билан қандай кўнларни бошимиздан кечирмадик. Оиласини, айниқса, 4 яшар жажжи кизалоғи, эндигина бир ёшга тўлган ўғли Қалибек ҳақида оғиз тўлдириб мақтанашдан чарчамасди.

Нима бўлди, билмадим, эрталабдан бери қорин оғриғи уни безовта қилаётганди. Оч-

хузуримга ҳам жўнатиб тургин бу хароми гитлерларнинг.

Мен ҳам унга жавобан: – Ўзимиздан ортмаяпти-да, бу лаънати қонхўрлар, – дердим.

Қийноқ азобида изтироб чекаётиб ҳам: – Дўстим

Самандар, энди кўзлари мунчоқ кизалоғимни,

жажжигина ўғилчамни кўролмайман,

шекилли, – дея зорланарди. Мен бўлсам,

унга тасалли беришга ҳам вақт топа олмасдим. Чунки душман зарбаси борган сари кучаяр,

унга қарши жавоб қайтариш учун хушёр туришим лозим эди. Мен душ-

кўллари ила рўмолчаси билан кўз ёшларини артишга ҳаракат қилардилар Самандар бобо.

Шу лаҳзада меҳмонларни қутлаш муносабати билан туман ҳокимининг ташрифи боис Самандар ота билан сўзларимиз чала қолди. Қолаверса, отахонда ортиқ сўзлашга мажол ҳам қолмаганди. Назаримда, уларнинг қалбида урушнинг оловли асоратлари қолдирган жароҳатлар ҳали ҳамон битмаган эди. Юрта омон қайтганликларидан ҳам у қадар роҳатлана олмаётгандек туюларди гўё. Чунки уларнинг қанчадан қанча сафдошлари, қуrolдош дўстларига бу кўнларни кўриш nasib этмаганди.

Бу воқеани кейинчалик тез-тез эслаб турардим, лекин бу ҳақда бирор нарса ёзиш хаёлимга келмаганди. Яқинда Огахий ижод мактаби ўқувчилари билан Самандар отани йўқлаб уйларига бордик.



лик сабабми ёки очликка чидай олмай ҳар хил ўтларнинг томирларини шимавергани сабабми, бу оғриқ тобора кучаярди. Инқиллаганча оқолда – шундоққина ёнгинамда ётарди бола бечора. Аҳён-аҳёнда ҳазиллашиб ҳам кўярди. – Битта-яримтасини менинг

манга қарши замбараклардан ўқ ёғдирардим. Иккита жангчи эса замбаракни тинимсиз ўқ билан таъминлаб турарди. Аҳён-аҳёнда дўстимга назар ташлаб: – «Омонмисан?» – дердим холос.

Бир пайт шундоққина ёнгинамизга душман минамёти келиб тушди-ю, кучли портлаш оқибатида биз ҳар томонга сочилиб кетдик. Оғир яраланиш оқибатида қанча вақт беҳуш ётдим, бунини аниқ билмайман. Ўзимга келиб қарасам, на иккала жангчидан сас-садо чикарди ва на дўстимдан.

Тузалганимдан сўнг билдим. Ана ўша вақт мени ҳам ўлган ҳисоблаб, ҳужжатларимни олиб кетишган. Ачинарлиси шундаки, уйимга «Қора хат» жўнатишга ҳам улгуришган. Яқинларим бундан қайтуга тушганлар ва ҳатто аза тутиб, маъракаларимни ўтказишган. Тирикчимни эса ўликларнинг жасадларини кўмиш учун келганларида – мени чуқурликка судраётган пайтларида сезиб тушганлар ва ҳатто аза тутиб, маъракаларимни ўтказишган.

– Бу Гитлер ўлгур бошимизга не-не мусибатларни, кулфатларни ёғдирмади, болам, – дея яна дир-дир титраётган

Улар билан анча суҳбатлашиб ўтирдик. Кўзлари бироз хира-лашиб, анча кексайиб қолган бўлсалар-да, хотиралари ҳали ҳам яхшилиғига, нутқлари равонлиғига қойил қолдик. Отахоннинг кўксини бир қанча орден- медаллар беэзаб турарди. Бу ҳақда сўраганимизда, буларнинг кўпчилиги фронтда кўрсатган хизматлари учун берилганлигини айтдилар. Ҳатто 2000 йилда Украина ҳукумати томонидан «Украинадаги Ғалабанинг 50 йиллиги» медали билан тақдирланибдилар.

Биз Самандар ота билан узоқ суҳбатлашдик. Яқинда, 15 январда туғилган кўнлари бўлишини, 102 ёшни қарши олаётганлигини билдирдилар. Биз отахонга соғлик, узоқ умр тилаб, туғилган кўнларига, албатта, келишимизни билдириб қайтдик.

2019 йил ҳукуратимиз уларнинг юрт олдидаги хизматларини тақдирлаб, «Дамас» автомашинасини совға қилибдилар. Бу, албатта, Президентимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига бўлган эътиборидан далолат беради.

**Муҳаббат ЖУМАНИЯЗОВА, Огахий ижод мактаби она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси**

Республикамиз бўйлаб энг кўп қўйилган исм нима эканлигини биласизми?

Муҳаммадали	11 305
Солиҳа	12 461

WWW.DAVXIZMAT.UZ | WWW.FACEBOOK.COM/DAVXIZMAT | @DAVXIZMAT



# YUKSAK cho'qqilarni zabt etib...

**А**льпинистлар тоғ туризмининг асосий хисобланади. Улар табиатнинг турли тўсиқларини бардош билан ёнгиб, мукофоти-га улкан тоғ чўққисини забт этиш нашидасини татиб кўради. Тоғма-тоғ, чўққима-чўққи, қояма-қоя юришни ўзига мақсад қилган қахрамон-ларимиз бир-бирларини ана шундай бахт чўққиларида топган. Улар мана бир неча йилдирки, мангу музликларда, баланд чўққиларда ширин жонларини хавф-хатарга қўйиб, орқаларида оғир сафар халталарини узукун кўтариб юришади.



сида. Қашқадарё вилоятида, Тошкент вилояти Ойгаинг дарёси тепа қисмида, Чотқол тоғ тизмасида жуда кўп), ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эга, – сўзида давом этади Ўлмас ака. – Ана шундай гўзалликдан баҳра олишни, инсон қадами етмаган жойларни кўришни мақсад қилганман. Бугунги кунгача чиққан энг баланд чўққим Тожикистонда Жонат тоғи бўлиб, унинг баландлиги 3886 метр. Албатта, бу натижа билан чекланиб қолмоқчи эмасман. Юртимиз байроғини бундан-да баланд нуқталарга қадашни истаيمان. Аини пайтда Шароф Эгамбердиев бошчилигидаги “Ўзбек турист” гуруҳида фаолият кўрсатяпмиз.

Гуруҳдошларимнинг 2 нафари Эльбурсни ҳам забт этган. Яна 4 таси ўтган йили Непаль давлатидаги тоғларга чиқиб келишди. Дунёда инсонлар забт этишини кутиб ётган тоғлар кўп. Олдимизга қўйган улкан мақсадимиз ҳали танилмаган чўққиларни забт этиш. Бироқ, бу албатта, иқтисодга бориб тақалади. Чунки ўз маблагларимиз билан сафарга чиқамиз. Агар мақсад аниқ бўлса, эртами-кечми уни амалга ошириш учун маблаг топилади. Бунинг учун фақат қатъиятлик, метин ирода ва истак лозим. Баландликка кўтарилиш, уни забт этиш осон иш эмас. Инсондан тинимсиз меҳнат ва табиатга чексиз меҳр-муҳаббат талаб этилади. Ана шу хислатларни ўзингизда жо этсангизгина юксак чўққилар сизга бўйсунди. Бунинг учун ақлий салоҳиятни ишга солмоқ ва яна ҳар қандай вазиятга тайёр турмоқ керак. Асосийси, чекинмаслик, фақат ва фақат олдинга қадам ташлаш.

Бу орада бизнинг жимгина тинглаётган Дилдора Отажоновани ҳам сўхбатга тортидик. У киши бироз тортинчоқ бўлса-да, эрақлардан қолишмайдиغان матонат ва жасорат соҳибаси эканлиги сўзларидан сезилиб турибди. –Ўлмас ака сафар давомида доим ёнимда бўладилар. Дара бўйлаб тортилган арқоннинг хавфсизлигини кўздан кечирадди. Тоғ анжомлари ва воситаларининг тўлиқлиги, созлигига эътиборини қаратади. Йўлхалтамни кўтаришга

ёрдамлашади. Гуруҳдан орқада қолсам, дарров ёнимда пайдо бўлади. У киши билан ўзимни бехатар сезаман. Унинг далдаси, мадади билан чўққиларни бирин-кетин забт этияпман. Сурхондарё вилоятидаги. Ходжа-Гур-Гур чўққиси 3550 метр кўрсаткичли энг баланд натижа ҳозирча шу. Ўлмас ака билан илк тоққа чиққан пайтларим қояларга арқонсиз чиқиш машғулотларини ўтказганмиз. Абадий музликлардан имкон қадар узоқда, ўзимнинг уйимда бўлиб қолсам қанийди, деган онларим ҳам бўлган. Муздек совуқ ҳавода енгилгина чодирда ётишни айтинг. Ёдимда қолгани, бир куни майда тошли қияликдан ўтаётганимда дарадан пастга кулаб тушганман. Шукрки, соғ-омон чиқдим. Ҳозир ўзимга бўлган ишончим, тажрибам ортганидан бундай хавфли ҳолатларга учрамайман. Баъзан тоғ чўққиларида қаттиқ совуқда кунлаб қолиб кетамиз. Ҳаво етишмаслиги кийнайдди. Кейинги пайтларда бизни хатарга соладигани кўним топган чодиримиз атрофида тунда йирткич ҳайвонларнинг хужумга шайланиши бўлиб қолган. Айниқса, ёввойи тўнғизлар хавф туғдирмоқда. Тўғри, саёҳат ёки хобби учун ҳаётни хавф остига қўйишда мантӣқ йўддек. Муҳими, инсон ўз касбини чин юракдан севсин. Шунда ҳар қандай хавф-хатарга чан бера олади.

–Биласизми? Ёнг баланд чўққига чиққандаги ҳолатимни тасвирлай олмайман, – сўхбатни давом эттиради Ўлмас ака. – Қалбнинг бир ҳис чулғаб олади. Бу – галаба нашидаси. Шунда ҳамма қийинчиликлар, хавф-хатарлар бир зумда ёдиндан кўтарилади. Чунки энг юксак чўққи – бу орзу. Унга етдингми яна бошқа чўққига интилиш пайдо бўлади. Ва ҳаракатни ўша ердан бошлайсан. Инсон олдиға осмонўпар мақсадлар қўйса, шунда у “ҳар қандай чўққини забт эта олади. Мулоҳаза қилиш, ўзини янада чуқурроқ англаш ва ақлий имкониятларини баҳолаш учун вақт етарли бўлади. Марраға етишда жисмоний тайёргарлик ниҳоятда муҳим. Аммо муваффақиятнинг 70 фоизи

–Авал болаларнинг қўл ва оёқ мускулларини мустаҳкамловчи машғулотлар ўтказиш зарур бўлади. – дейди Ўлмас Саидхўжаев. –Турли вазиятларда ўзини қандай тутиш шартлигини ўрганиб, кейин альпинизм машғулотирага ўтиш лозим. Машғулотлар ҳаммиси ишончли мураббийлар ҳамроҳлигида ўтиши керак. Бу борада альпинизм ва чўққига чиқиш спортини фарқлаш керак назаримда. Чўққига чиқиш билан 3-5 ёшдан бошлаб малакали мураббийлар ёрдамида болани шуғуллатириш мумкин. Альпинизм учун тавсия этилган вақт – 16 ёш бўлиши керак. Ота-онанинг ёзма розилиги ва шифокор тавсияси билан бу муддатни 14 ёшга камайтириш мумкин. Бироқ, бундай ҳолатда жисмоний зўриқишлар ва мавжуд хавф-хатарни хисобга олиш зарур. Маҳоратли альпинистларимиз кўп. Бироқ юртимизда тоғ спорти бироз оқсаятгандек. Ушбу спорт тури ихлосмандлари камайиб кетаётгани ачинарли. Ҳа, юртимизнинг тоғлари виқорли, маҳобатли, сирли ва мафтункор. Ўлмас ака ва Дилдора опа сизгаги доврақ, шижоати инсонлар тоғларнинг шайдо-си сифатида ёшларга она-табиатни асраш. Ватанин севиш борасида ибрат бўлади. Ҳали урганилмаган тоғларга саёҳат уюштириш, бетакорор табиатимиз ҳақида юртдошларимизга маълумотлар бериш, инсон қадами етмаган жойларни забт этиш ва мақсадидаги чўққини эгаллаб, унга юртимиз байроғини ўрнатишни, янги марралар ҳамда афсонавий тоғлар эстагиға етаклайдиган кўздан завқланиб яшашни мақсад қилган бу жуфтликка улкан парвозлар тилаймиз.



Салобатли тоғларнинг шайдоси Ўлмас Саидхўжаев турмуш ўртоғи билан қояга чиқишни, чўққиларни забт этишни олдиға улкан мақсад қилиб олган. У болалигидан тоғларга ўзгача меҳр қўйди. Қўлиға қоғоз олиб, расм чизмоқчи бўлса, аввало, баланд чўққилар тасвирини туширарди. Улғайгач, бу орзулар бироз четға сурилди. Ҳисобчиликни танлади. Шундай бўлса-да, тоғларга ошuftалиги чекинмади.

Бир куни интернет саҳифаларида альпинистлар гуруҳи ҳақида ўқиб қолган қахрамонимизнинг орзуси қайта жонланди. Ва шу гуруҳга аъзо бўлиб, кузата бошлади.

–Болалигимдан баландликка, тоғларга чиқишни яхши кўрардим, – дейди Ўлмас Саидхўжаев. – Саргузашт жанридаги, яна турли хил саёҳатлар ва наботот оламиға оид китобларни севиб ўқирдим. Альпинистлар ҳақидаги фильмларни эса қизиқиб томоша қилардим. Гарчи ҳисобчиликни танлаган бўлсам-да, барибир альпинистликка бўлган қизиқишим устунлик қилди.

2015 йил Ўлмас ака аввалиға ўзи альпинистлар гуруҳиға қўшилди, кейинчалик эса турмуш ўртоғи Дилдора Отажоновани ҳам ёниға олди. Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилоятидаги тоғларнинг чўққиларини забт этган бу жуфтлик қўшни республикаларнинг чўққилари сари ҳам йўл олишди.

–Юртимиз юксак чўққилар, жўшқин ва сержилма дарёлар, гўзал ва бетакорор кўллар, музликлар Ҳисор тизма-

ички руҳиятға боғлиқ. Альпинистлар юртимизда яқингача баҳор, ёз, куз фаслларидаги тоққа чиқишарди. Гуруҳимиз ташкил бўлгандан кейин биз бу анъанаға чек қўйдик, яъники, илк бора киш фаслида ҳам чўққиларға чиқишни бошлаб бердик. Бизни кўриб бошқа тижорий гуруҳлар ҳам бу фаслда қояларға чиқишни бошлашди. Лекин уларники 1-2 кундан у ёниға ўтмайди. Бизнинг гуруҳ эса бир ҳафтагача сафарни давом эттиришға қодир.

Аини пайтда 2 нафар фарзанднинг ота-онаси бўлган қахрамонларимиз, фарзандларининг ҳам тоққа чиқишға қизиқишини оширишға ҳаракат қилишмоқда.

– Улар альпинист ёки бошқа касб эгаси бўлиши ҳақида ҳали бир тўхтамға келмадик, – дейди Дилдора Отажонована. – Муҳими, фарзандларим табиатға, ҳайвонот оламиға бўлган меҳрини ошириш, юксак орзулари сари қўркмасдан олға ҳаракат қилишни ўрганишса, кифоя. Кейинги пайтларда баъзи оилалар арзимас баҳоналар билан номигағана яшаши, ҳатто ажралиб кетаётганини, бир-бириға таъна тошларини отаётганини эшитиб ҳайрон қоламан. Турмуш ўртоғим билан тоғу тошлардан тирмашиб чиқиб, ҳаётимизни баъзида хавфға солиб мақсадимиз, оиламиз шаъни сари юксалсак, атрофдаги айрим ношуқрларға қараб, наҳот яшашдан мақсади бўлмаса, деган фикрға борамиз. Кундалик ҳаётимизда ҳам забт этишининг лозим бўлган “чўққилар” бисёр. Фақат олдинға интилиб, шуқр қилиб яшаш лозим.

Ҳар бир спорт тури ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний чиниқишида катта ўрин тутади. Агар малакали ва тажрибали мураббий бўлса, хавотирға ўрин қолмайди. Альпинистликда-чи? Бу борада қахрамонларимизнинг фикрлари билан қизиқамиз.

–Авал болаларнинг қўл ва оёқ мускулларини мустаҳкамловчи машғулотлар ўтказиш зарур бўлади. – дейди Ўлмас Саидхўжаев. –Турли вазиятларда ўзини қандай тутиш шартлигини ўрганиб, кейин альпинизм машғулотирага ўтиш лозим. Машғулотлар ҳаммиси ишончли мураббийлар ҳамроҳлигида ўтиши керак. Бу борада альпинизм ва чўққига чиқиш спортини фарқлаш керак назаримда. Чўққига чиқиш билан 3-5 ёшдан бошлаб малакали мураббийлар ёрдамида болани шуғуллатириш мумкин. Альпинизм учун тавсия этилган вақт – 16 ёш бўлиши керак. Ота-онанинг ёзма розилиги ва шифокор тавсияси билан бу муддатни 14 ёшга камайтириш мумкин. Бироқ, бундай ҳолатда жисмоний зўриқишлар ва мавжуд хавф-хатарни хисобга олиш зарур. Маҳоратли альпинистларимиз кўп. Бироқ юртимизда тоғ спорти бироз оқсаятгандек. Ушбу спорт тури ихлосмандлари камайиб кетаётгани ачинарли.

Ҳа, юртимизнинг тоғлари виқорли, маҳобатли, сирли ва мафтункор. Ўлмас ака ва Дилдора опа сизгаги доврақ, шижоати инсонлар тоғларнинг шайдо-си сифатида ёшларга она-табиатни асраш. Ватанин севиш борасида ибрат бўлади. Ҳали урганилмаган тоғларга саёҳат уюштириш, бетакорор табиатимиз ҳақида юртдошларимизға маълумотлар бериш, инсон қадами етмаган жойларни забт этиш ва мақсадидаги чўққини эгаллаб, унга юртимиз байроғини ўрнатишни, янги марралар ҳамда афсонавий тоғлар эстагиға етаклайдиган кўздан завқланиб яшашни мақсад қилган бу жуфтликка улкан парвозлар тилаймиз.

Чароқ ДУСТМАТОВА  
oilavajamiyat@mail.ru

# SO'NGGI QO'NG'IROQNI KUTAYOTGAN QIZLAR

**Бутун коллежда шовшув, Шаҳноза турмушга чиқибди!**

– Бармоғига қарадингни, никоҳ узуги борми? – сўрайди синфдошлари.

– Бирор сабаб бўлмаса ўқишни тутатмай туриб, турмушга чиқмасди, – дейди гапгалаб дугоналар бир-бирига маъноли боқиб.

– Балки... Йўғ-э, жа унчаликка бормаган-дир...

Шаҳнозанинг турмушга чиқгани ҳақидаги хабар бутун коллежга, интернет оламига тарқалди. Бу хабардан фақатгина коллеж маъмурияти, синф раҳбаригина беҳабар. Чунки бу тўйда Шаҳнозанинг энг яқин дугонаси Моҳира қатнашди холос. Тўй жуда шубҳали, ими-жимиди бўлиб ўтди. Шаҳноза Моҳирага бу ҳақда ҳеч ким билмаслигини тайинлаганди. Аммо тўй куни келин-куёв тушган суратни телефонига олган Моҳира ижтимоий тармоққа жойлаштирди-ю, боши балога қолди. Ҳатто бир-биридан ўй вазифасини сўрашга эринадиган қизларнинг телефон гудоклари тинмай қолди.

Янги йилдаги таътилдан сўнг ҳамма дарсларга эмас, Шаҳнозанинг қандай келин бўлганини кўришга ошиқиб, коллеж томон йўл олди. Синф хонаси ўқувчилар билан тўлган. Ниҳоят аста-аста қадам босиб, озгина ҳадик, кўрқув билан Шаҳноза кириб келди. Бирдан синф хонасида бақир-чақир овозлар янгради.

– Вой писмиқ, ичидан пишган, индамай юрган экансан-а, – дейди қизлар унинг биқинидан чимчилаб. “Тўйга ҳам айтмадинг”, деб аразлайди баъзи Шаҳнозага яқин юридаган дугоналар.

– Куёв почча нима иш қилади? – Савол ташлайди қизикқон йигитлар.

Шаҳноза ялт этиб, Моҳирага қаради. У эса билмадим, хабарим йўқ дегандек, елка қисади. Айниқса, бир синфдош дугонасининг “ишқилиб ҳомиладорлик таътилига чиқиб кетмайсанми?”, деган саволи Шаҳнозага огир ботди. У бошини кўллари билан тўсиб, партага ётиб йўғлаб юборди. Синфдошларнинг баъзилари ёш келинчакка ачинса, бошқаси буни келинликнинг эркалигига йўйди. Ҳеч бир қиз, қафтаридан тутиб, уни юпатмади. Шу топда ўзини синфдошларидан жуда-жуда узокда ҳис этди. Ҳамма айб ўзимда. Ахир бу сирни улардан беркитдим. Дугоналаримни ўзимга яқин олмадим. Бирортасига дардимни айтмадим. Нега энди улардан хаффа бўлишим керак, Шаҳноза ўзини-ўзи қийди. Бу ўқувчи қизнинг келинлик даври қандай ўтганига барча синфдошлари гувоҳ бўлди. Турмушга чиқиши учун никоҳ ёши, яъни, 18 га тўлмагани учун таниш-билиш орқали шаръий никоҳ ўқитилди ва тўй куни белгиланди. Маҳалла мутахассиси Шаҳнозанинг хонадонига кириб ота-онасидан тўйни кейинроққа қолдиришларини сўраб қилган илтимоси инобатга олинмади.

– Қиз меники, уни қачон турмушга узатишни ўзим ҳал қиламан! – дея иддао билдирди онаси.

Таърибасиз ва уқувсиз, Шаҳнозанинг келинлик онлари кўпга чўзилмади. Ёш қайнонасининг таъбири билан oilavajamiyat@mail.ru



айтганда “тошбақадек судралиб юрадиган келин”га қайнсингиллар тоқат қилолмади. Уларнинг зуғумларини эса Шаҳноза кўтара олмай қорнида уч ойлик ҳомиласи билан ота уйига қайтиб кетди. Шундай қилиб уларнинг беш ойлик оиласи шаръий никоҳ орқали ажралиш билан якун топди.

Шаҳнозанинг исмини шартли равишда ўзгартириб қўйган бўлсак-да бу қиз аслида сизу бизнинг ёнгина-мизда яшаб юрибди. Тўғриси айтмаган бўлсам, Шаҳноза Орифжоновна Фаргона вилоятида яшайди. Денги чикса текин бер деган мақолга амал қилган ота-онаси маҳалла масъулларидан бекиткича биринчи курснинг ярмидаёқ турмушга узатиб юборишди. Шаръий никоҳ орқали турмушга чиққан қиз аслида оила деганлардан шундай бўлар экан-да деган ўйга берилди. Оиласи бузилиб, турмуши барбод бўлгач эса қонуний никоҳнинг афзалликларини тушуниб етди. Аслида ушбу мақолани ёзишга туртки бўлган мавзу ҳам эрта турмуш масаласи. Айни кунларда водийнинг Қўқон шаҳри атрофидаги қишлоқларда яшовчи аҳоли ўртасида ўғил-қизларини никоҳ ёшига етмай туриб унаштириб қўйиш ҳолатлари кузатилаётган. Фарзандларини ўқитиб, олий маълумотли қилаётган ота-оналар кўп, аммо уларга ҳам озчиликни ташкил қилса-да, фарзандини фақат турмушга беришга тайёрлаётган оилаларнинг зарари теғмоқда. Мактаб ўқитувчиларининг айтиши-

ларича 11 синфда ўқиётган ўқувчи қизлар орасида 3-4 талаб фотиҳа қилинганлари бор экан. Улар 25 май сўнгги кўнгиноқ чалинадиган кунни интизорлик билан кутиб ўтиришибди. Натижада бундай қизлар атрофидаги ўқиш ниятида бўлган қизларнинг ҳам фикрларини айнитмоқда. Яъни, қизларга бўлғуси куёв йигит томонидан телефон совға қилиниши, қанд тарқатиш каби маросимлар келгусида

ўқиб, олий маълумотли бўлиш истагида юрган қизларга ҳам таъсир кўрсатмоқда. У н а ш т и р и л г а н қизларнинг ота-оналари билан суҳбатлар, тушунтириш ишлари олиб борилганида: “Нима бўпти, қизим яхши, одоблидирки совчилар ҳавас қилиб келяпти”, “Бугун совчилар келиб турибди, эртага келмай қолсачи” каби фикрларни айтишмоқда. Бунга қиз томонидан ҳам, бўлғуси куёв томонидан ҳам ҳеч қандай норозилик бўлмаётгани кишини таъажублантиради. Хотин-қизлар кўмитаси, “Оила” марказлари, маҳалла фаолларининг жон куйдириб тушунтиришлари қарамай айрим ота-оналар ўз билганларидан қолишни исташмаяпти. Бу ниманинг белгиси? Фарзанд тарбияси олдидаги масъулиятдан қочиб, уларни касб-хунарли қилиш вазифасидан халос бўлиш эмасми?

– Қиз меники, уни қачон турмушга узатишни ўзим ҳал қиламан!



**САУДИЯ-ДА ЭРТА НИКОҲ ТАҚИҚЛАНДИ**  
“Saudi Gazette” нашрининг хабар бери-

шича, Саудия Арабистони Адлия вазирлиги мамлакатда никоҳ ёшини 18 ёш этиб белгилади ва бундан кичик ёшдагилар ўртасидаги никоҳни тақиқлади.

Адлия вазири ва Олий суд кенгаши раиси Шайх Валид ал-Самаани барча судларга 18 ёшдан кичикларга никоҳ тақиқлангани ҳақида циркуляр юборган.

18 ёшдан кичик бўлганлар жуфти билан никоҳни расмийлаштириш учун махсус суднинг рухсатини олишлари керак бўлади. Суд эрта никоҳ ёшларнинг келгуси тақдирига салбий таъсир қилиш-қилмаслигини ўрганади.

Маълумот учун, 2019 йилда Ўзбекистонда ҳам никоҳ ёши қизлар учун 18 ёш этиб белгиланди. Натижада ўғил болалар ва қизлар учун никоҳ ёши тенглаштирилди.

## ҚАНДАЙ ҲОЛАТЛАРДА НИКОҲ ЁШИ ҚИСҚАРТИРИЛАДИ?

– 2019 йилнинг сентябрь ойида “Оила” кодексининг 15 моддасига ўзгартиришлар киритилди, – дейди Бектемир тумани ФХДЁ бўлими мудираси Сайёра Умарова. – Унга кўра никоҳ ёши эркеклар учун ҳам, аёллар учун ҳам 18 ёш этиб белгиланди.

Эрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомаласига лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация), никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайитириши мумкин.

Турмуш куриш ниятида бизга мурожаат қилган ёшларнинг аризасини олгач, уларни тиббий кўрикдан ўтишлари учун тиббиёт бирлашмасига ҳамда туман “Оила” марказига йўлланма берилади. У ерда бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактабидagi дарсларга қатнашилади. Ҳозирги кунда ота-оналарнинг аксарияти иш, тирикчилик билан банд. Ёшларни эса буви ҳамда боболарнинг насихатларига қулоқ осиб тоқатлари йўқ. Инновацион мактабда отинойи, имом хатиб, психологлар томонидан дарслар ўтилади. Никоҳланувчи ёшлар оила қуришдан аввал ўзларига керакли маълумотларни ушбу мактабда мустаҳкамлашмоқда. Ҳар ҳафтанинг пайшанба куни инновацион мактабда ўқув машғулоти бўлиб ўтади. Бу яхши натижа бермоқда. 2019 йили туманимизда эрта никоҳ қуриш ёши кузатилмади. Оила қуришга аҳду паймон қилган икки ёш никоҳларини қонуний ҳамда шаръий никоҳнинг талаблари билан мустаҳкамласа бундай оила турмушининг ҳар қандай қийинчиликларини енгиб ўтиб, мустаҳкам пойдеворга эга бўлади.

Водийдаги аҳволни поитахт билан таққослайдиган бўлсак, мактаб, маҳалла, ота-оналар ҳамкорлигини янада кучайтириш зарурлигига иқрор бўлаемиз.

Никоҳ – лугатда қўшиш, жамлаш, яқинлик деган маъноларни аналтади. Аллоҳ никоҳни бизга фарз қилганига ўн тўрт асрдан ошди. Пайғамбаримиз с.а.в муборак ҳадисларида: “Никоҳ менинг суннатимдир, кимки ундан юз ўнгирса менинг умматим эмасдур”, дейди. Шундай экан, оилани мустаҳкамлашга ҳизмат қилувчи никоҳ масаласига ҳамisha жиддий эътибор қаратишимиз зарур.

Нигора РАҲМОНОВА

# Enaganing mehriga ishonasizmi?

**О**илангизда янги фарзанд дунёга келди. Унинг ширингина жилмайиши ва кўнглингизга ўзгача орзиқиш бахш этгувчи йиғиларида бир олам бахт ҳамда шодлик мужассам. Бироқ туғуруқ жараёнида толиққан ва кейинги кунларда кечалари ухламай болага алла айтиб чиқарган онанинг ҳолидан бохабармисиз? Балки унга яқинларининг кўмаги керакдир?... Энага дейсизми?... Энага сиз каби болангизга эътибор ва меҳр бера олишига ишонасизми? Келинг, бугун шу ҳақда мулоҳаза юритамиз.

**yoхud bolangiz kelajagini begona qo'llarga topshirmang!**



унинг ўзига ўхшаш феъл-атворли инсон вояга етади. Шу боис ҳам сиз топган энага қанчалик ўқимишли ва билимли бўлмасин, телефонда ота-онаси билан жанжаллашса, дўстларини ҳақорат қилса, унинг бу хатти-ҳаракатлари болангизнинг кўз ўнгиди ва қалбиди муҳрланиб қолади.

ни талаб қиласиз ва шунинг учун пул тўлайсиз. Буни қандай ҳолатда адо этиш эса – менинг ишим.

## “СИЗЛАРНИ КАТТА ҚИЛИБ ҚЎЙДИК! БИЗНИ ТИНЧ ҚЎЙИНГ!”

Ҳа, ота-оналар ҳамиша иш билан банд бўлишади. Фарзандларни эса ҳамиша қўллаб саволларнинг жавоблари қизиқтиради. Афсуски, аксарият ота-оналар югур-югурларга шўнғиб, бола-сининг саволларига жавоб беришга вақт топа олмай қоладилар. Ана шундай вазиятларда улар бобо ва бувилардан ёрдам сўрашлари Табиий. Замонавий бобо ва бувиларимиз эса кўпинча бундай ҳолатларда хотиржамлик билан шундай дейишади: “Сизларни катта қилиб, тарбиялаб, ўқитиб, ишли қилиб қўйдик. Бизнинг ва-зифамиз тамом бўлди. Энди болаларингизни ўзингиз тарбияланг. Бизнинг ҳам дам оладиган пайтимиз келди. Яхшиси, бизни саёҳатларга, дам олиш масканларига жунатинг!”

Бундай кайфиятдаги бобо ва бувилар дам олиш кунлари ҳам набира-лари билан суҳбатлашишни, боғларга, дам олиш масканларига боришни хоҳлашмайди.

– Келинг, ўз оиламдаги ҳолат орқали сизга мулоҳазаларимни баён этай, – дейди психолог Анастасия Владимирова. – Ўғлим ва келинимнинг иш вақти жуда узоқ давом этади ва яхши маош олишади. Набирам дунёга келгач, ўғлим келинимдан ишдан воз кечишни таклиф қилди. Келинимни хафа қилмаслик учун болага қараб туришни ўз бўйинимга олдим ва ишдан бўшадим. Набирам Саша икки ёшга тўлгунича уни ўзим парварिश қилдим. Мен нима учун бундай йўл тутдим? Биринчидан, набирамнинг илк ҳаяжонлари ва ширин ташвишларини беғонанинг қўлига бермаслик учун. Ахир набираларимиз авлодимизнинг муносиб давомчилари бўлиши керак. Иккинчидан, менинг отам

ҳам ўғлимни ўзи тарбиялаган. Ўғлим ишончли маслаҳатгўйи ва суянчиги. доимо ёнида бўлгани учун ор-номусли бола бўлиб улғайди. Афсуски, отамнинг ўзи ўғлим 7 ёшга кирганида вафот этди. Аммо отам ўғлимнинг қалбига ҳақиқий эркак қандай бўлишини сингдиришга улгурди. Учинчидан, мен набирамга ота-боболарим, уларнинг менга айтиб берган эртаклари ва ривоятлари ҳақида гапириб бердим.

## ЮРАГИМ КЕНГАЙИБ БОРГАНИНИ СЕЗДИМ

Набираси билан сайр қилишни қанда қилмайдиган боболар ва бувилар билан суҳбатлашганимизда улар ўзаро мулоқот онларида юраклари анча кенгайиб, елкаларидаги юк енгиллашиб бораётганини айтишади. Ҳа, эндигина тили чиқиб, атрофдаги ҳар бир жонзот ва ўсимликларга ҳайрат кўзи билан қараётган жажжилар билан савол-жавоб қилишнинг, баҳслашишнинг ўзгача завқи бор. Дейлик, кичкинтой улкан дарахт пўстлоғи ичида юрган кўнғизлар ва майда жонзотларни кўрсатиб сизга савол беради: “Бу уларнинг уйими?” Бундай кезларда боланинг ҳар бир майда саволига ҳам эринмай жавоб бериш лозим. Бола шунчалар зийрак бўладики, сизнинг бироз бўлса-да, бепарволик билан жавоб қайтараятганингизни сезиб қолса, дарҳол тушкунликка тушиб қолади. “Ҳа, болажоним, бу кўнғизчаларнинг уйчаси. Ахир ҳамманинг ҳам ўз уйи бор”, – деб жавоб берсангиз, унинг кўзлари порлаб, атрофга янада қизиқиш билан қарай бошлади.

Энагаларнинг таъкидлашларича, болалар, айниқса, сувга тош отиш уйинини жуда яхши кўришади. Оғир тошларнинг бирпасда ерга қулаб тушиши, енгил тошлар эса куш каби парвоз қилиб сув устида сирпанишни кўриб роса яйрашади. Табиатга уйғун кечадиган бундай сайрларда айрилган шеърлар, тез айтишлар ва қизиқарли ҳикоялар болаларнинг хотирасида мустаҳкам ўрнашиб қолиши аниқланган. Кўплаб энагаларнинг эътироф этишларича, болага қандай муносабатда бўлсангиз, келгусида у сизга ўша муносабатингизни икки баравар қилиб қайтарар экан. Демак, ҳар ким эканини ўради, деганлари рост экан-да...

## НАБИРАМ МЕНИ БОЛАЛИГИМГА ҚАЙТАРДИ

– Набирамга қараб туришимни сўраганимда болаларимдан жуда хафа бўлган эдим, бироқ у билан бирга яшай бошлаганимда қайтадан болага айланиб бораётганлигимни ҳис қилдим. Яна аввалгидек дарахтлар менга жуда улкан ва сеҳрли бўлиб кўрина бошлади. Ҳар бир ўтаётган кун эса бир йилдек чўзилди. Одамларга бўлган муносабатим тубдан ўзгарганини айтмайсизми? Ахир, бу бахт эмасми?!

Ҳозир набирамсиз бирон жойга боришни истамайман. Концертгами, музейгами, учрашувгами, қаерга бўлмасин уни олиб бормасам кўнглим тўлмайди. Набирамнинг биргина меҳрли табассуми ва миннатдорона нигоҳидан қалбим губорлари бир зумда йўқ бўлиб кетади. Ҳа, азизлар, болага ҳамма нарса ни конун-қондалар билан ўргатиб бўлади. Бироқ, одамийлик ва меҳр-оқибатни ўз қалбингиздан юқтиришингиз зарур!

АИФ дан Зухра МЕЛИБОЕВА таржимаси

## БОБОСИ ВА БУВИСИ БОР БАХТЛИ БОЛАЛАР

Агар фарзанд дунёга келган хонадонда чақалоққа бобоси ва бувиси ҳам парвона бўлса, қандай яхши! Бироқ айрим хонадонларда болаларнинг бобоси ва бувисига бўлган муносабати кишини ташвишга солади. Ҳатто улар: “Бобожон! Бувижон!” – дея оғизларини тўлдириб қақаришни ҳам истамайдилар. Замонавиyroқ оилаларда ҳаммани бирдек, ҳатто катталарни ҳам исми билан қақариш урфа кира бошлаганига нима дейсиз? Бу ҳолатларнинг асосий сабаблари ҳақида уйлаб кўрганмисиз? Албатта, катталарнинг ўз вақтида набира-ларига вақт ажрата олмаганликлари тўфайлидир. Уларнинг бепарволиги сабабли ота фарзандига ўзга бир оилада тарбия топган энагани излашга мажбур бўлган. Бироқ кўп ҳолатларда ота бу жараёнда энагани қандай маънавиятга эга эканлиги билан қизиқмайди. Фарзандларимиз эса нафақат 3-4 ойлик бўлганида, балки она қорнидаёқ ҳамма муносабатларни ҳис қила оладилар. Фақат улар гапиролмайдилар холос.

## 5 ЁШГАЧА ЎЗИНГИЗ НАЗОРАТ ҚИЛИНГ!

– Мен ҳамиша ота-оналарга, ҳеч бўлмаса, болангиз 5 ёшга тўлгунича унинг ҳамма хатти-ҳаракатларини ўзингиз назорат қилинг, дея таъкидлайман, – дейди психолог Алексей Макаров. – Чунки ёлланган энаганинг болангизга бўлган муносабати билан сизнинг муносабатингиз ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Болага қатъий режим ва кўрсатмалар асосида тарбия бера оламан, деган ота-она қаттиқ адашади. Ахир, фарзандингизнинг қалби ҳар дақиқда атрофдаги инсонлардан ва нарсалардан самимийликни излайди. Шу боис тинимсиз саволлар ёмғирини ёғдиришдан асло чарчамайди.

Яна бир мулоҳаза. Биз фарзандларимизга, “мен сенинг интизомли, одоби ва меҳнаткаш бўлишингни истайман”, дея таъкидлашни яхши кўраимиз. Аммо болаларимиз бизнинг бу гапларимизга эмас, ота-онасининг юриш-туриши ва гапларига қараб ҳаётни ўрганади. Агар ота-онага бақир-чақир қилиб гапирса, носоз жўмракни вақтида тузатиб қўймаса, қўшиллар билан кўпол муносабатда бўлса... Ишон-наверинг, эртага бундай отанинг изидан

## ҚАНЧАЛАР МУШКУЛ БЎЛМАСИН, ВАҚТ ТОПАМАН

– Ҳозирги пайтда эҳтиёжларимиз шу қадар ортиб кетганки, бу эҳтиёжларни қондириш учун бир-гина жойда ишлаб пул топиш билан кифояланиб қолмаймиз, – дейди 3 ёшли Сонининг онаси Анастасия Захаренкова. – Шу боис мен ҳам 2-3 жойдан буюртмалар олиб ишлашга киришдим. Бироқ фарзандли бўлганимдан сўнг қанчалар мушкул бўлмасин, фарзандимни ўзим тарбиялашга жиддий эътибор қаратдим. Буюртма қилинган ишларимнинг анчагина қисмидан воз кечиб, қизалоғимнинг ҳар бир қилиги ва инжикликларига чидаш учун ўзимда куч топдим. Менга қўшниларим энага топишни маслаҳат беришди. Бироқ мен уларнинг бу гапларини маъқулламадим. Чунки “Оилавий сабабларга кўра” деб номланган бадиий фильмдаги бир диалог ёдимда қолган эди. Она энага бувижонга шундай савол беради:

– Ўз набирангизга энагалик қилганингиз яхши эмасми?

– Йўқ, бу жуда нозик масала. Чунки менга ҳаяжонланиш мумкин эмас. Қон босимим ошиб кетиши мумкин.

– Беғона болаларга қарасангиз-чи, ҳаяжонланмайсизми?

– Албатта, ҳаяжонланмайман. Беғона бола учун нега жон куйдиришим керак?..

– Наҳотки, сиз шундай фикрлайсиз? Боланинг беғонаси бўлмайди-ку!..

– Қўйсангиз-чи, ўз болангизга қараш бошқа, беғона болага қараш бошқа... Мана, биз мендан жуда яхши назорат-

Чунки ёлланган энаганинг болангизга бўлган муносабати билан сизнинг муносабатингиз ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Болага қатъий режим ва кўрсатмалар асосида тарбия бера оламан, деган ота-она қаттиқ адашади. Ахир, фарзандингизнинг қалби ҳар дақиқда атрофдаги инсонлардан ва нарсалардан самимийликни излайди. Шу боис тинимсиз саволлар ёмғирини ёғдиришдан асло чарчамайди.

# YANGI YILDA - YANGI PARVOZLAR

**Жорий йилда халқаро инглиз тилини билиш даражаси (IELTS) бўйича камида энг юқори 9 баллни эгаллашни кўзлаган сирдарёлик Шоҳруҳнинг илмий мақолалари Англия, Польша каби нуфузли мамлакатларда чоп этилган. Сурхондарёлик Моҳира, ёшлар иттифоқи тасарруфида етакчи ўқувчилар учун ташкил этилган «21st up» жамоаси витсе-президенти қашқадарёлик Маржона, бу йилги «Зулфия» мукофотининг соҳибаси бўлишни ният қилган андижонлик Хусниёбону, жаҳон чемпиони бўлишни кўзлаган бухоролик Фирдавс...**

Эҳ-ҳе, бу каби ёшлар ҳақида нафақат мақола, балки китоб ёза ҳам арзийди. Сабаби, ҳали мактаб ўқувчилари, ёки университет талабаси бўлишига қарамай, шу кунгача камида Республика миқёсида катта натижаларга эришган, жаҳонни забт этишни кўзлаган бу каби ёшлар ўз тенгдошларига ўрнатган бўлаётган, буюк келажакнинг билимдон ва шижоатли бунёдкорларидир. Бугун юқоридаги номи айтилган ёшларнинг янги йилдаги мақсадлари ҳақида сўз юритамиз...

## БИРИНЧИ ИМТИХОНДАН ЙИҚИЛГАНМАН

Сирдарё вилояти хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчиси Шоҳруҳ Қўчқоров вилоятдаги фаол ёшларнинг йўлбошчиси ҳисобланади. Жорий йил, «Камалак» болалар ташкилотидида вилоят сардори сифатида сайланган бу йигитнинг ҳар томонлама истеъдоди бор. Яхшиси, ўз фикрларини ўқиганингиз маъқул.

— Болалигимдан инглиз тилини ўрганишга қизиқаман. Бу қизиқишларимнинг уйғонишида она-жонимнинг ўрни бекиёс. 2013 йилда ҳозир таълим олаётган мактабимга ўқишга кириш учун имтихон топширдим. Имтихон жавобларига кўра, мен мактабда ўқишга лойиқ деб топилмаган эдим. Уйга келганимизда, онам роса йиғлади. Сендан ишончим катта эди, дедилар. Ана шу сўзлар ҳалигача қулоғим остида жаранглаб туради. Орадан уч ой ўтиб, 2014 йил хорижий тиллар мактабидида уч баҳо оладиган ўқувчилар мактаб ўқувчиси деган шарафдан четлатилди ва уларнинг ўрнига янги ўқувчиларни қабул қилиш учун яна имтихон бўлди. Бу сафар имтихонда қатнашмоқчи эмасдим. Сабаби, умидларим йўқолгандек эди. Аммо онам кўнмади. Яна имтихонга бордик. Бу сафар ҳам имтихон жавобидан сўнг онам йиғлади. Бироқ бу севинч ёшлари эди.



Сабаби, мен ўқишга қабул қилингандим. Мана етти йилдикри, мактабимдаги энг фаол ўқувчи бўлишга ҳаракат қиламан. Инглиз тилида бемалол мулоқот қила оламан. Қатор республика танловларида ғолиб бўлдим. Бу йилда эса менга умид берган онамга ҳамда онамдай бўлган устозим Зулфияра опа Аҳмедовага раҳмат айтаман.

2020 йилда эса Англияда жойлашган WESTMINSTER университетига ўқишга киришни, халқаро даражада тил билиш бўйича IELTSдан тўққиз балл олишни ният қилганман. Ҳали кўрасизми, 2020 йил МЕНИНГ ЙИЛИМ БУЛАДИ.

## МАҚТАНИШНИ ЁҚТИРМАЙМАН

Сирдарёлик Шоҳруҳ инглиз тилида бемалол гаплаша олса, унинг яна бир тенгдоши ҳам борки, хориж матбуотида ҳам ўз мақолалари билан кўрина бошлаган. Шўрчи туманидаги мактабни «Олтин медаль» билан тамомлаган, тўртта шеърй китоби чоп этилган.



Келгусида Термиз Давлат Университетининг филология факультетига ўқишга топшираман, деб ҳозир Тошкент фармацевтика институтидида таълим олаётган сурхондарёлик Моҳира Алланазорова 2020 йилни катта ютуқлар билан бошлади. Тоғай Мурод ижоди ҳақида ёзган мақоласи Польшада, табиат неъматни ҳисобланмиш Олабута ўсимлиги ҳақидаги илмий мақоласи эса Англиядаги халқаро конференциялар тўпламида чоп этилган бу тоғ қизининг ниятлари катта.

## ҚОФИЯ БЎЛДИМИ, АКА?

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қашқадарё вилоят Кенгашида фаол ёшлар гуруҳлари мавжуд. Уларни сардорлар Кенгаши дейишади. Бу Кенгашга эса ўнлаб Республика конференцияларида қатнашган, 2017 йил «Йил сардори» танловининг Республика босқичида биринчи ўринни эгаллаган, Қарши шаҳар 4-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Маржона Жўрақулова бошчилик қилади. Унинг ютуқлари чакки эмас. Эришган натижаларига мактабдаги ўқитувчилари ҳам ҳавас қилади.

— Дадам тadbиркор, онам шифокор. Мен эса бегубор. Қалай, қофия бўлдим, ака? Ҳа, ҳазиллашяпман. Кулинг дейман-да, кулган одамнинг умри узоқ бўлади. «Катта нохушликларни ҳам кулги билан енгиб чиқиш мумкин», деган ўз фалсафам бор. Хафа бўлиб, сиқилиб юрсам, юрак бечорага қийин бўладиими, деб ўйлайман ва хафа инсонларнинг юракларига ачинаман. Ҳаётда жуда кувноқман. Бу атрофимдагиларнинг таърифи. Жиддий бўлишга



лик касбига қизиқдим, коллеж даврида эса тadbиркорлик билан ҳам шуғулландим. Мана ҳозир психология йўналишида таҳсил олмақдаман. Битта соҳанинг этагидан тутмаган экан, деб сира ўйламанг. Ҳар соҳадан бироз бўлса-да билимингиз, ўқувингиз бўлса, албатта, ишингиз беш бўлади. Жамоат тadbирларида жуда кўп иштирок этаман.

## ИНГЛИЗ ТИЛИ БИЛИМДОНИ ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ ҲАМДИР

Бухоро шаҳрида жойлашган 18-сонли мактабнинг 11-синф ўқувчиси Фирдавс Алиев ҳам порлоқ келажак сари дадил қадам ташлаётган ташаббускор ёшлардан бири ҳисобланади. У қўл жанги спорт тури бўйича Ўзбекистон чемпиони. Кўпчилик ёшлар ҳаракатларини ва бор кучларини бир соҳага йўналтирса, Фирдавс бир соҳа билан чекланиб қолмайди. Худди, Андижонлик Хусниёбону каби тинимсиз изланади. Шу сабабли, спорт билан чегараланмай, инглиз тилини ҳам кунт билан ўрганади. Бу соҳадаги натижаларни, яхшиси унинг ўзидан эшитганимиз (ўқиганимиз) яхши.

## САИДА ЗУННУНОВА ҲАМ БИЗДАН

Қашқадарёликлар Абдулла Орипов билан фахрланишса, андижонликлар Мухаммад Юсуф ҳақида сўз кетганда, Саида Зуннунова ҳам биздан деб кўшиб кўйишади. Чиндан ҳам мамлакатимизни ҳар соҳада, жумладан, адабиётда ҳам шоирлар юрти деб таърифласак, янгилишмаган бўламиз. Ана шундай кўкси тўла фахр билан ўқишдан толмайдиган хўжаабодлик Хусниёбону Жонбекова ҳам ҳар соҳада ўзини синаб кўришдан чарчамайдиган, фаол, интилувчан талабалардан бири. Андижон Давлат Университетининг амалий психология таълим йўналишида энг олдинги сафда



аёло баҳоларга ўқийдиган бу шадод талаба 2020 йилдан катта натижаларни кутмоқда.

— Болалигимдан андижонча рақони яхши кўриб улғайдим. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, Андижон полкаси телевизорда кўрсатилса, зангори экраннинг ёнига бориб олардим. Беихтиёр рақс ҳаракатларини қайтаришга уринар эдим. Мактаб чоғида ўқитувчилик, устоз-



— Спорт билан шуғулланиш ҳар бир йигит кишини кўркам ва соғлом қилади. Соғлиқ эса ҳар нарсадан азиз. Мен ҳам болалигимдан спорт билан шуғулланаман. Қўл жанги билан чекланиб қолмай, футбол, волейбол, югуриш, сузишга ҳам қизиқаман. Дарсдан бўш вақтларим спорт тўғрақларига бораман. Уч йилдан буён спорт тўғрақлари ёнига фан тўғрақларини ҳам кўшдим. Интилишларим бесамар кетмади, бир йилнинг ўзида ҳам чемпион, ҳам инглиз тили бўйича вилоят олимпиадаси ғолиби бўлдим.

Замон ўзган, замондан ҳам Ўзбекистон ёшлари ўзган бир вақтда бугун ҳикоя қилганимиз, бешта тенгдошимга жуда ҳавасим келди. Менинг мақсадим, 2020 йилда юртимизнинг барча ёшларига худди мен каби бутун дуненинг ҳаваси келсин.

## ЁРКОН ҲАЙИТБОВЕВ, Сирдарё вилояти.

## ЭЪЛОН

Досмухамедов Абдухалил Абдусатторович номига 13.07.1999 йилда берилган №2-1658 рақамли хонандон кадрасти йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

Усманова Феруза Элбердиевнага Тошкент вилоят Зангиота тумани «Ягона дарча» маркази томонидан 12.01.2018 йилда берилган 654739 рақамли якка тартибдаги тadbиркорлик гувохномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

